



DEVELOPMENT OF GEOLOGICAL EXPLORATION WORKS IN UZBEKISTAN AND ORGANIZATION OF COST ACCOUNTING

Izbosarov Bakhodir Ergashevich

Researcher, Kimyo International University in Tashkent

Abstract

The article describes the specific features of cost accounting in geological exploration, the structure of cost classification in them and the procedure for accounting. Scientific proposals and practical recommendations are formulated to improve costs in the field of geology.

Keywords: Geological exploration, costs, product cost, calculation, direct costs, fixed costs, variable costs.

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Избосаров Баходир Эргашевич

Тошкент Кимё халқаро университети тадқиқотчиси

РАЗВИТИЕ ГЕОЛОГИЧЕСКИХ РАЗВЕДОЧНЫХ РАБОТ В УЗБЕКИСТАНЕ И ОРГАНИЗАЦИЯ УЧЕТА ЗАТРАТ

Избосаров Баходир Эргашевич

Соискатель. Ташкентский
Международный Университет Кимё.

Аннотация:

Мақолада геология-қидирув ишларида харажатлар ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари, уларда харажатларни туркумлаш тарқтиби ҳамда бухгалтерияда ҳисобга олиш тартиби баёни келтириб ўтилган. Геология



соҳасида харажатларни такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: Геология-қидирув, харажатлар, махсулот таннархи, калькуляция, бевосита харажатлар, ўзгача харажатлар, ўзгарувчан харажатлар,

Аннотация:

В статье описаны особенности калькуляции затрат в геологической разведке, структура классификации затрат в ней и порядок учета. Сформулированы научные предложения и практические рекомендации по повышению эффективности калькуляции затрат в геологической сфере.

Ключевые слова: Геологическая разведка, затраты, себестоимость продукции, расчет, прямые затраты, постоянные затраты, переменные затраты.

Кириш

Геология-қидирув ишлари (ГҚИ) бошқа саноат тармоқларидан ўзининг юқори таваккалчилиги, натижасининг ноаниқлиги ва капитал сифимдорлиги билан ажралиб туради. Ушбу хусусиятлар бухгалтерия ҳисобини юритишда махсус ёндашувларни талаб қилади. Геология-қидирув ишларининг ўзига хос хусусиятлари, натижанинг ноаниқлиги (Риск), сарфланган маблағлар ҳар доим ҳам фойдали қазилма конларининг очилишига олиб келмайди. Бу ҳисобда харажатларни актив (капиталлаштириш) ёки давр харажати сифатида тан олишда мураккаблик туғдиради. Босқичма-босқичлик, ишлар лойиҳалаш, қидирув, баҳолаш ва разведка босқичларидан иборат. Ҳар бир босқич алоҳида ҳисоб объектлари сифатида қаралади. Узоқ муддатлилик, кон очилишидан то уни ишлатишгача бўлган давр йиллаб давом этиши мумкин. Бу эса тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғининг катта бўлишига олиб келади. Ҳудудий тарқоқлик ва масофа, ишлар корхона базасидан узоқда, чўл ёки тоғли ҳудудларда олиб борилади. Бу транспорт ва логистика харажатларининг юқори салмоғини ташкил этишига сабаб бўлади.



Мавсумийлик, айрим ҳудудларда ишлар фақат йилнинг маълум вақтида (масалан, баҳор-куз) олиб борилади, бу эса ишчилар иш ҳақи ва техника амортизациясини тақсимлашда ўзига хос тартибни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан қаралганда геология соҳасида харажатлар ҳисобини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи

Амалдаги бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида эса харажатларга қуйидаги таъриф берилган: “Ҳаққоний тақдим этиш операция, ҳодиса ва шароитларнинг оқибатларини Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асосда (рўйхат рақами 3530, 2024 йил 12 июль) келтирилган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатларнинг таърифлари ва тан олиш мезонларига мувофиқ тўғри акс эттиришни талаб этади”[1].

Бундан ташқари, харажатларнинг турли жиҳатлари қуйидаги стандартлар билан тартибга солинади:

1-сон БҲМС (“Ҳисоб сийёсати ва молиявий ҳисобот”) Харажатларни тан олиш ва ёритиб беришнинг умумий тамойилларини белгилайди.

21-сон БҲМС (Ҳисобварақлар режаси) Харажатларни бухгалтерия проводкаларида қандай акс эттиришни белгилайди (масалан, 9400-“Давр харажатлари” ёки 9100-“Сотилган маҳсулотлар таннархи”).

24-сон БҲМС (“Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби”) Фоизлар ва кредитлар билан боғлиқ харажатларни капитализация қилиш ёки харажатга чиқариш тартибини тушунтиради.

Россияда харажатнинг фундаментал таърифи ПБУ 10/99 да берилган бўлиб, у Ўзбекистон стандарти билан деярли бир хил. ФСБУ 14/2022 эса фақатгина номоддий активларга оид харажатларни қачон актив деб ҳисоблаш ва қачон фойда/зарар тўғрисидаги ҳисоботга харажат сифатида ёзишни тартибга солади [2].

Қозоғистонда Миллий молиявий ҳисобот стандартига (ММҲС/НСФО) мувофиқ, харажатларга қуйидагича таъриф берилган: “Харажатлар - бу ҳисобот даврида активларнинг чиқиб кетиши ёки камайиши ёхуд



мажбуриятларнинг пайдо бўлиши шаклида иқтисодий нафларнинг камайиши бўлиб, бу муассислар (иштирокчилар) ўртасида капитални тақсимлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда хусусий капиталнинг камайишига олиб келади” [3].

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, хусусан, бухгалтерия ҳисоби ва солиқ соҳасида харажатлар тушунчасига икки хил ёндашув мавжуд.

1. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига (БҲМС) мувофиқ харажатлар - бу ҳисобот даврида активларнинг чиқиб кетиши ёки камайиши ёхуд мажбуриятларнинг кўпайиши шаклида иқтисодий нафларнинг камайишидир. Бунда Харажатлар корхона капиталини камайтиради ва Муассислар (акциядорлар) ўртасида капитални тақсимлаш (масалан, дивидендлар тўлаш) билан боғлиқ бўлган ҳолатлар харажат деб ҳисобланмайди.

2. Солиқ кодексига асосан фойда солиғини ҳисоблашда харажатлар чегириладиган ва чегирилмайдиган турларга бўлинади [4].

А.Каримов харажатларни икки турга бўлади: бевосита ва билвосита харажатлар, шунингдек, харажатларни шартли ўзгармас сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканлигини билдириб ўтади[5]. Л.П.Краснова эса: “Харажатлар - бу ҳисобот даврида активларнинг чиқиб кетиши (пул маблағлари, бошқа мол-мулклар) ёки мажбуриятларнинг пайдо бўлиши натижасида иқтисодий нафнинг камайиши бўлиб, бу корхона капиталининг камайишига олиб келади” [6]. деб таъриф берган. Ушбу таърифда асосан, харажатларни ишлаб чиқариш харажатлари (маҳсулот таннархини шакллантирувчи) ва давр харажатлари (сотиш ва бошқариш билан боғлиқ) каби турларга ажратиб кўрсатади. Бу ёндашув халқаро стандартлар ва миллий бухгалтерия ҳисоби тизимидаги таърифларга мос келади.

Харажатларни ҳисобга олиш, уларни таҳлил қилиш ҳамда аудити услубиёти бўйича республикамизда кўплаб илмий тадқиқотлар ва изланишлар олиб борилган. Уларни айримларида харажатлар интеллектуал капитал сифатида ёнлошилган бўлса, айрим иқтисодчи олимлар эса соҳа ва тармоқлар кесимида тадқиқ этишган.



М.Қ.Пардаев: “Маҳсулот (иш, хизмат) таннархини шакллантирувчи харажатлар моддалари, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги ва самарадорлигини баҳолаш усуллари ёритилган” [7]. А.Ибрагимовнинг фикрича, аудит - бу нафақат хатоларни излаш, балки хўжалик фаолияти ҳақида ишончли ахборот бериш ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини тасдиқлаш жараёнидир.

Н.Каримовнинг илмий изланишларида (айниқса, банклар ва йирик корхоналар мисолида) ички аудитнинг хавф-хатарларни бошқаришдаги роли ёритилган. У ички аудитни корхона ичидаги нобудгарчиликларнинг олдини олиш ва ички назоратни мустаҳкамлашнинг асосий воситаси сифатида тавсифлайди [8].

А.З.Авлоқулов томонидан олиб борилган тадқиқотларда “Даромад ва харажатларни нафақат бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС), балки Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) талаблари асосида қайта таснифлаш зарурлигини таъкидлаган ва Молиявий натижалар аудитини ташкил этишда таваккалчиликка асосланган ёндашув (risk-based approach) ва тизимли назорат усуллари кўллаш” муҳимлигини асослаб берган [9].

А.И.Алиқулов “Харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий ва амалий масалалари” номли монографиясида харажатларни иқтисодий мазмуни, ишлаб чиқаришдаги роли ва ҳисоблаш усулига кўра тизимли гуруҳлашни таклиф этади. Бунда харажатларни бевосита (тўғридан-тўғри) ва билвоситага ажратиш, шунингдек, уларни маҳсулот таннархига киритишнинг методологик асосларини кўрсатиб беради. А.И.Алиқулов асосан харажатларни оптималлаштириш ва таннархни пасайтириш орқали корхона фойдасини оширишнинг илмий асосланган йўллари кўрсатишга қаратилган [10].

Методология

Мақолани ёзишда умумиқтисодий ва мантиқий усуллар: тизимли таҳлил, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлил усуллари: капиталлаштириш, «Муваффақиятли ҳаракатлар» (Successful Efforts), қийматсизланиш тести (Impairment test), аудит ва



назоратнинг махсус усуллари: рискка асосланган аудит, танланма кузатув, рақамли ва технологик усуллар: ГИС-мониторинг (Геоахборот тизимлари), Big Data ва прогнозлаштириш ҳамда Блокчейн технологияси усуллардан фойдаланилган.

Натижа ва муҳокама

Ўзбекистонда геология-қидирув ишларини (ГҚИ) ташкил этилиши тарихи ва унинг меъёрий-ҳуқуқий асосларининг шаклланишини урта асосий даврга бўлинади.

1. Илк геологик ўрганиш ва собиқ иттифоқ даври (1920-1991 йиллар) бу даврда Ўзбекистон ҳудудида тизимли геологик тадқиқотлар бошланган.
2. Мустақилликнинг дастлабки йиллари ва ҳуқуқий пойдевор (1991-2016 йиллар) мустақилликдан сўнг соҳанинг миллий меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш бошланди.
3. Замонавий ислохотлар ва янги босқич (2017 йилдан ҳозиргача) соҳани рақамлаштириш ва бозор иқтисодиёти тамойилларига ўтиш амалга оширилмоқда.

Республикамизда 2020 йил Геология фанлари университети ташкил этилди. 2021 йил ПП-5083-сонли қарор билан “Ўзбек геология қидирув” АЖ ташкил этилиб, давлат бошқаруви ва хўжалик юритиш вазифалари ажратилди. 2024 йил “Ер қаъри тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонун (ЎРҚ-987) қабул қилинди. Унда инвестициявий жозибадорликни ошириш ва халқаро (JORC) стандартларига ўтиш кўзда тутилган. Марказий Осиё давлатларидаги геология соҳасидаги ислохотлар минтақа давлатлари сўнгги йилларда минерал-хомашё базасини ривожлантириш учун инвестиция муҳитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, Қозоғистон Республикаси 2029 йилгача фойдали қазилмалар қазиб олишни 40 фоизга оширишни мақсад қилган. Геологик қидирув ишларини молиялаштиришда ҚҚСдан озод қилиш ва харажатларнинг 25 фоизини амортизация қилиш каби имтиёзлар жорий этилган бўлиб, 400 000 квадрат километр майдонда геологик ва геофизик қидирув ишларини ўтказиш режалаштирилган. Қирғизистон Республикаси 2024 йилда уран ва торий конларини қидириш ва қазиб олишга қўйилган мораторий бекор қилинди.



***Modern American Journal of Business,
Economics, and Entrepreneurship***

ISSN (E): 3067-7203

Volume 2, Issue 4, April, 2026

Website: usajournals.org

***This work is Licensed under CC BY 4.0 a Creative Commons
Attribution 4.0 International License.***

Халқаро ҳамкорлик: Бишкекда ўтказилган “MINEX Central Asia 2024” форуми доирасида SRK Consulting ва Metso каби йирик компаниялар билан инвестиция лойиҳалари бошланди. Минтақада критик минераллар (литий, кобальт, никель) ва камёб ер элементларини қидиришга эътибор кучаймоқда, чунки бу “Яшил иқтисодиёт” учун муҳим аҳамиятга эга.

Ривожланган хорижий давлатларда ГҚИни ташкил этишнинг асосий хусусияти - давлат назорати ва хусусий инвестицияларнинг мувозанатидир. Австралия ва Канада - бу давлатларда геологик ҳисоботларни фақат махсус лицензияга эга “Малакали мутахассис” (Qualified Person) тайёрлаши мумкин. Хорижий инвесторларга “миллий манфаатларга зид эмаслик” сертификатлари берилади. Чилида ГҚИни амалга ошириш учун маҳаллий ҳамжамиятлар билан маслаҳатлашувлар (Citizen Participation) мажбурий ҳисобланади, бу эса ижтимоий низоларнинг олдини олади. Литий, уран ва торий каби стратегик ресурслар давлат назоратида бўлиб, уларни қазиб олишда давлат биринчи навбатда сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Заҳираларни баҳолашнинг халқаро ҳисобдорлик стандартлари (JORC ва CRIRSCO) тизимларига ўтиш муҳим ўрин тутди. JORC кодекси (Австралия) заҳираларни геологик ишончлилиқ ва иқтисодий жиҳатдан асосланганлигига кўра классификациялайдиган профессионал амалиёт кодексидир. CRIRSCO андозаси дунё бўйлаб геология-қидирув натижаларини эълон қилишда минимал стандартларни белгилайди. Инвесторлар олдида ҳисобот беришда маълумотларнинг аниқлиги ва шаффофлигини таъминлайди. БМТнинг ер қаридан фойдаланиш таснифи (UNFC) билан интеграциялашган бўлиб, давлат стратегияларини тузишда қулайлик яратади. Хорижий тажриба ГҚИда нафақат давлат молиялаштириши, балки хусусий секторни рағбатлантириш ва халқаро (JORC/CRIRSCO) стандартлар асосида заҳираларни баҳолаш муҳимлигини кўрсатади.



**1-жадвал Геология-қидирув ишларини (ГҚИ) тартибга солувчи
меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қиёсий таҳлили¹**

Қиёсий мезонлар	Ўзбекистон	Қозоғистон	Австралия ва Канада
Қиёсий мезонлар	"Ер қаъри тўғрисида"ги Қонун, 2024 й.	Ер қаъри кодекси, 2018 й.	(Jorc/Ni 43-101 тизими)
Ҳуқуқ бериш механизми	Электрон аукционлар (E-auktion) орқали шаффоф танлов.	"Биринчи келган - биринчи олади" (First come, first served) тамойили.	Танлов асосида ёки ер эгаси билан келишув (Exploration License).
Заҳираларни баҳолаш стандарти	ГКЗ (эски) тизимидан CRIRSCO ва JORC стандартларига тўлиқ ўтиш белгиланган.	KAZRC (CRIRSCO асосидаги миллий стандарт) мажбурий жорий этилган.	JORC (Австралия) ва NI 43-101 (Канада) - дунёдаги энг нуфузли стандартлар.
Масъул шахслар институти	"Малакали мутахассис" (Competent Person) институти қонун билан мустаҳкамланди.	PONEN мустақил экспертлар жамияти ҳисоботларни тасдиқлайди.	Фақат халқаро сертификатга эга Qualified Person имзоси тан олинади.
ГҚИ босқичлари ва муддатлари	Қидирув учун - 5 йил (яна 5 йилгача узайтириш имконияти билан).	Қидирув - 6 йил (камёб металллар учун 15 йилгача).	Лойиҳа турига қараб мослашувчан муддатлар (одатда 2-5 йил).
Экологик ва ижтимоий масъулият	Рекультивация учун жамғарма ташкил этиш мажбурий (Ликвидация жамғармаси).	Қатъий экологик суғурта ва маҳаллий аҳоли олдидаги ижтимоий мажбуриятлар.	ESG (Экология, Ижтимоий, Бошқарув) стандартлари инвестор учун асосий шарт.
Маълумотлар шаффофлиги	Геологик маълумотларнинг бир қисми очиқ ва рақамлашган (Миллий база).	"Инфратузилмавий маълумотлар маркази" орқали барча маълумотлар рақамли кўринишда.	Маълумотларнинг аксарияти очиқ ва ҳар қандай инвестор учун онлайн мавжуд.
Техноген чиқиндилар	Чиқиндилардан (шламлар, хвостлар) фойдаланиш бўйича алоҳида ҳуқуқлар берилди.	Чиқиндилар алоҳида минерал хомашё тури сифатида қазиб олиниши мумкин.	Қайта ишлаш ва "Circular Economy" (айланма иқтисодиёт) бўйича солиқ имтиёзлари.

Ўзбекистон тизими сўнгги ислохотлар натижасида "маъмурий буйруқбозлик"дан "инвестициявий шериклик" моделига ўтди. Қозоғистон тажрибасидан "биринчи келганга ҳуқуқ бериш" тамойили эмас, балки


¹ Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.



маълумотларни 100 фоиз рақамлаштириш жиҳатини ўзлаштириш фойдали ҳисобланади. Австралия ва Канада моделида асосий эътибор давлат назоратига эмас, балки биржа ва инвесторлар олдидаги шаффофликка (JORC) қаратилган.

Ўзбекистоннинг минерал-хомашё базасини нафақат давлат бюджети, балки фаол хусусий инвестициялар ҳисобига кенгайтиришга хизмат қилади. Унда халқаро тажрибадан миллий қонунчиликка интеграция қилиниши керак бўлган 5 та асосий устувор йўналиш акс этган.

Milliy qonunchilikni takomillashtirishning 5 ta ustuvor yo'nalishi



1-расм. Минерал-хомашё базасини халқаро тажрибадан миллий қонунчиликка интеграция қилиниши керак бўлган асосий йўналишлари.²

Гелогик қидирув ишларида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, уларда қуйидаги жиҳатлар муҳим аҳамият касб этади:

² Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.



- 1. Рақамлаштириш ва очиқлик:** Геологик маълумотларни “Big Data” тамойили асосида онлайн платформага ўтказиш. Бу инвесторнинг қидирув олди харажатларини 20-30% га камайтиради.
- 2. Халқаро стандартлар:** JORC кодексига ўтиш маҳаллий конларни Лондон ёки Торонто биржаларида котировка қилиш имконини беради.
- 3. Инсон капитали (СР):** Ҳисоботларни давлат органи эмас, балки шахсий жавобгарликка эга профессионал геолог тасдиқлаши керак. Бу коррупцияни камайтиради ва сифатни оширади.
- 4. ESG стратегияси:** Қидирув ишларининг экологик изсизлиги ва маҳаллий жамиятга фойда келтириши халқаро грантлар ва “Яшил” инвестицияларни жалб қилишнинг асосий шартидир.
- 5. Юниор компаниялар:** Кичик, мобил геология компанияларига имтиёзлар бериш орқали янги конлар очиш тезлигини ошириш мумкин. Геология соҳасида олтин қазиб олиш 129,1 тонна, Кўмир қазиб олиш 6,7 миллион тонна, Соҳага жами 7,2 миллиард доллар инвестиция жалб этилди. Шундан 3,58 миллиард доллари бевосита Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ва йирик корхоналар (ОКМК, НКМК) томонидан ўзлаштирилди. Экспорт Тоғ-кон маҳсулотлари экспорти қариб 1,8 миллиард долларни ташкил этди.

2-жадвал Тоғ-кон ва геология соҳасига киритилган инвестициялар тақсимооти³

Ташкилот номи	Инвестиция ҳажми (\$ млн)	Асосий лойиҳа
Олмалиқ КМК (ОКМК)	1 940	“Ёшлик-1” конини ўзлаштириш (\$4,6 млрдлик лойиҳа)
Навоий КМК (НКМК)	789,6	Ишлаб чиқаришни 39% га ошириш ва модернизация
Геология вазирлиги	572	Минерал-хомашё базасини кенгайтириш
“Навоийуран” ДК	126	Уран заҳираларини кўпайтириш

³ Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.



***Modern American Journal of Business,
Economics, and Entrepreneurship***

ISSN (E): 3067-7203

Volume 2, Issue 4, April, 2026

Website: usajournals.org

***This work is Licensed under CC BY 4.0 a Creative Commons
Attribution 4.0 International License.***

Геология- соҳасида келгуси режалар ва прогноз кўрсаткичларни қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

- 2025-2026 йилларда соҳани рақамлаштириш ва “Яшил иқтисодиёт” учун зарур бўлган стратегик металлларни қазиб олишга асосий урғу берилди.

- Инвестициялар 2025 йилда геология ва тоғ-кон лойиҳаларига қўшимча 1 миллиард доллар тўғридан-тўғри инвестиция жалб қилиш режалаштирилган.

- Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, Кўмир қазиб олиш ҳажмини 10 миллион тоннага етказиш, Каолин ишлаб чиқаришни 50%га ошириш.

- Металлар “Ўзбекистон технологик металллар комбинати” АЖ томонидан 818 тонна молибден ва 240 тонна вольфрам концентрати ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

- Янги кувватлар Олмалик КМКда 3-мис бойитиш фабрикасини (МБФ-3) ва Ўзбекистон металлургия заводида янги қуёв-прокат мажмуасини ишга тушириш кутилмоқда.

Келгуси йилларда геология соҳасида қуйидаги инновацион ечимлар жорий этилади:

“Геомониторинг” тизими ер қаъридан фойдаланишни масофавий мониторинг қилиш ва аэрокосмик суратлар орқали назорат қилиш йўлга қўйилади. Рақамли геология барча бирламчи геологик маълумотлар, хариталар ва ҳисоботлар рақамли форматга ўтказилади. НКМК 2025 йилда халқаро бозорда яна 500 миллион долларлик евробондлар чиқаришни режалаштирмоқда.

Ўзбекистон геология соҳасининг келгуси режалари “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва 2026–2030 йилларга мўлжалланган минерал-хомашё базасини ривожлантириш стратегияси доирасида белгиланган. Ушбу режалар инвестициялар оқимини кўпайтириш, рақамлаштириш ва стратегик муҳим металллар захирасини кенгайтиришга йўналтирилган.

Инвестициявий ва иқтисодий прогнозлар (2025–2030 йй.) Ўзбекистон 2030 йилгача геология-қидирув ишларига жами 9,4 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб қилишни режалаштирмоқда.



**3-жадвал Геология-қидирув ишларига жалб қилинган
инвестициялар ҳақида маълумот⁴**

Кўрсаткич	2024 йил (факт)	2025 йил (прогноз)	2030 йил (мақсад)
Жами инвестициялар	\$7,2 млрд (Аввалги маълумот)	\$8,5 млрд+	\$9,4 млрд+
Иқтисодиёт ҳажми (ЯИМ)	\$100 млрд+	7,7% ўсиш	\$200 млрд
Рақамлаштириш даражаси	Бошланғич	60%	100%

Геология қидирув ишларида келгуси 5 йилликнинг стратегик йўналишлари:

- Минерал захираларни кўпайтириш углеводород (нефт ва газ), қора металлургия ва иқтисодиётнинг драйвер тармоқлари учун зарур бўлган минерал хомашё захираларини жадал суръатларда ошириш.

- Трансформация ва рақамлаштириш соҳа корхоналарида бошқарув тизимини рақамлаштириш, геологик маълумотларнинг ягона базасини яратиш ва сунъий интеллект технологияларини қўллаш.

- “Яшил” иқтисодиёт геология-қидирув ишларида атроф-муҳитга таъсирни камайтириш ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш.

- Йирик лойиҳалар ва ишлаб чиқариш режалари уран қазиб олиш “Навоийуран” ДК 2030 йилгача инвестиция дастури доирасида янги конларни ўзлаштиришни давом эттиради.

- Қора металлургия 2030 йилга қадар соҳани ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилади, бу эса маҳаллий темир рудаси захираларидан фойдаланишни кенгайтиради.

- Газ ва нефть Ички бозорни узлуксиз энергия билан таъминлаш мақсадида янги углеводород конларини қидириш ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилади.

- 2025 йил давомида соҳа ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича махсус чора-тадбирлар дастури амалга оширилади. Бунда

⁴ Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.



***Modern American Journal of Business,
Economics, and Entrepreneurship***

ISSN (E): 3067-7203

Volume 2, Issue 4, April, 2026

Website: usajournals.org

***This work is Licensed under CC BY 4.0 a Creative Commons
Attribution 4.0 International License.***

ҳалқаро стандартлар (JORC ва бошқалар) асосида ишлай оладиган мутахассислар тайёрлашга устуворлик берилади.

Ушбу режаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг 2030 йилга бориб, Глобал инновацион индексда кучли 50 та давлат қаторига киришига хизмат қилади. Геология-қидирув ишлари (ГҚИ) бошқа саноат тармоқларидан ўзининг юқори таваккалчилиги, натижасининг ноаниқлиги ва капитал сифимдорлиги билан ажралиб туради. Ушбу хусусиятлар бухгалтерия ҳисобини юритишда махсус ёндашувларни талаб қилади. Геология-қидирув ишларининг ўзига хос хусусиятлари, натижанинг ноаниқлиги (Риск), сарфланган маблағлар ҳар доим ҳам фойдали қазилма конларининг очилишига олиб келмайди. Бу ҳисобда харажатларни актив (капиталлаштириш) ёки давр харажати сифатида тан олишда мураккаблик туғдиради. Босқичма-босқичлик, ишлар лойиҳалаш, қидирув, баҳолаш ва разведка босқичларидан иборат.

Ҳар бир босқич алоҳида ҳисоб объектлари сифатида қаралади. Узок муддатлилик, кон очилишидан то уни ишлатишгача бўлган давр йиллаб давом этиши мумкин. Бу эса тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғининг катта бўлишига олиб келади. Ҳудудий тарқоқлик ва масофа, ишлар корхона базасидан узокда, чўл ёки тоғли ҳудудларда олиб борилади. Бу транспорт ва логистика харажатларининг юқори салмоғини ташкил этишига сабаб бўлади. Мавсумийлик, айрим ҳудудларда ишлар фақат йилнинг маълум вақтида (масалан, баҳор-куз) олиб борилади, бу эса ишчилар иш ҳақи ва техника амортизациясини тақсимлашда ўзига хос тартибни талаб қилади. Бухгалтерия ҳисобида акс этиш тартиби, бухгалтерия ҳисобида ГҚИ харажатларини акс эттиришда асосан иккита халқаро ёндашув мавжуд бўлиб, миллий амалиёт ҳам шуларга таянади. Харажатларни гуруҳлаш ва тан олиш, ГҚИ харажатлари одатда 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ёки ихтисослашган 0800 «Капитал қўйилмалар» (агар актив сифатида тан олинса) счётларида жамланади.

Тўғри харажатлар, бурғилаш ишлари, геофизик тадқиқотлар, дала ишчиларининг иш ҳақи, ишлатилган материаллар ва ёқилғи. Эгри (билвосита) харажатлар, лаборатория таҳлиллари, махсус техника амортизацияси, экспедиция бошқарув харажатлари. Капиталлаштириш



***Modern American Journal of Business,
Economics, and Entrepreneurship***

ISSN (E): 3067-7203

Volume 2, Issue 4, April, 2026

Website: usajournals.org

*This work is Licensed under CC BY 4.0 a Creative Commons
Attribution 4.0 International License.*

тартиби (МҲСБ 6 бўйича), халқаро стандартлар ва янгиланган миллий қоидаларга кўра, қидирув харажатларини икки хил усулда ҳисобга олиш мумкин. Муваффақиятли ҳаракатлар усули (Successful Efforts), Фақат истиқболли конлар билан боғлиқ харажатлар актив (0890 — «Номоддий активларга капитал қўйилмалар») сифатида капиталлаштирилади. Натижасиз (қурук) қудуқлар харажатлари ўша даврнинг зарарига олиб чиқилади. Тўлиқ харажатлар усули (Full Cost), барча қидирув харажатлари, натижасидан қатъи назар, актив сифатида жамланиб, кейинчалик қазиб олинган маҳсулот таннархига амортизация сифатида қўшилади.

Ҳисоб счётларида акс эттириш:

Материаллар сарфланганда Дт 2010 (ГҚИ объекти) - Кт 1000.

Иш ҳақи ҳисобланганда Дт 2010 - Кт 6710.

Босқич якунланиб, геологик ҳисобот топширилганда, агар натижа ижобий бўлса Дт 0400 (Номоддий актив - қидирув активлари) - Кт 2010/0800.

Агар натижа салбий бўлса: Дт 9430 (Бошқа операцион харажатлар) - Кт 2010.

Экологик ва қайта тиклаш мажбуриятлари ГҚИнинг ўзига хос жиҳати - иш тугагач, ер майдонини рекультивация қилиш (аввалги ҳолатига қайтариш) мажбуриятидир. Ҳисобда бунинг учун заҳира (резерв) шакллантирилиши керак:

Дт 2010 - Кт 8910 (Келажакдаги харажатлар учун заҳира)

ГҚИ ҳисобида асосий урғу харажатларни ҳар бир объект (қудуқ ёки майдон) кесимида аниқ юритиш ва уларни актив сифатида тан олиш мезонларини тўғри белгилашга қаратилади.

Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда геология соҳасида инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва самарадорлигини таъминлаш учун қуйидаги йўналишларда ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ бўлади:

Биринчидан, геологик маълумотларнинг очиқлиги ва рақамлаштирилиши (Австралия ва Қозоғистон тажрибаси) - Геологик маълумотларни нафақат давлат фондида сақлаш, балки уларни онлайн интерактив хариталар



*Modern American Journal of Business,
Economics, and Entrepreneurship*

ISSN (E): 3067-7203

Volume 2, Issue 4, April, 2026

Website: usajournals.org

*This work is Licensed under CC BY 4.0 a Creative Commons
Attribution 4.0 International License.*

кўринишида инвесторларга очик тақдим этиш. Бу қидирув ишлари бошланишидан олдин таваккалчиликларни баҳолаш имконини беради. Заҳираларни ҳисоблашда CRIRSCO ва JORC тизимларига тўлиқ ўтиш - миллий ГКЗ (Давлат заҳиралар комиссияси) таснифидан воз кечиб, халқаро фонд биржалари томонидан тан олинадиган JORC кодексини ягона мажбурий стандарт сифатида қабул қилиш. Бу маҳаллий конларнинг халқаро бозордаги қийматини оширади.

Иккинчидан, “Малакали мутахассис” (Competent Person) институтини ривожлантириш - Геологларнинг мустақил касбий бирлашмаларини ташкил этиш ва уларга ҳисоботларни тасдиқлаш ваколатини бериш. Бунда давлат назоратидан профессионал масъулият тизимига ўтилади (Канада ва Австралия тажрибаси).

Учинчидан, Экологик ва ижтимоий мажбуриятларни (ESG) қонуний мустаҳкамлаш - Ер қаъридан фойдаланувчилар учун нафақат техник, балки ESG (Environmental, Social, and Governance) стандартларини жорий этиш. Бу маҳаллий аҳоли билан ишлаш ва экологик тиклаш ишларини халқаро талаблар даражасига кўтаради.

Тўртинчидан, кичик ва ўрта геология-қидирув (Junior) компанияларини рағбатлантириш - Қонунчиликда юқори таваккалчиликка эга бўлган илк қидирув босқичлари учун солиқ имтиёзларини кенгайтириш. Хорижда бўлгани каби, “Юниор компаниялар” учун махсус молиявий ва ҳуқуқий режимларни жорий этиш. Техноген конлардан фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш - Эски кон чиқиндиларини қайта ишлаш (Circular Economy) бўйича меъерий ҳужжатларни содалаштириш ва бу орқали “Яшил” геология тамойилларини қўллаб-қувватлаш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 2016 йил 13 апрел. ЎРҚ-404-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 2020 йил 1 январь. <https://lex.uz/docs/4674902#4684083>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар



тўғрисида”ги 4611-сонли қарори. 2020 йил 24 феврал.
<https://lex.uz/docs/4746047>

4. “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш”. 1-сон БҲХС (Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти). Расмий таржима-2022 й. 108-банд.

5. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича “Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси”. Расмий таржима-2022 й.

6. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (1-сонли БҲМС) «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати». <https://lex.uz/docs/7050497>

7. Приказ Минфина России от 06.05.1999 N 33н "Об утверждении Положения по бухгалтерскому учету ПБУ 10/99 "Расходы организации" (Зарегистрировано в Минюсте России 31.05.1999 N1790).

8. Об утверждении Национального стандарта финансовой отчетности. Приказ Министра финансов Республики Казахстан от 31 января 2013 года № 50. Зарегистрирован в Министерстве юстиции Республики Казахстан 8 февраля 2013 года № 8328.

9. А.Каримов. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти. 2019 йил.

10.Краснова Л.П «Финансы, деньги, кредит». Учебник. М.: Юристъ, 2000.

11.М.Қ.Пардаев ва Б.И.Исроилов "Молиявий таҳлил" (1999) ўқув кўлланмаси.

12.А.З.Авлоқулов«Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги докторлик (DSc) диссертацияси авт, 2018 – 48 б.

13.А.И.Алиқулов (профессор Б.А. Хасанов билан ҳамкорликда) чоп этилган «Амалий бошқарув ҳисоби» ва «Бошқарув ҳисоби» каби ўқув кўлланмалари